

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ
«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишчи таъминот» акциядорлик компанияси таркибига кирган таъминот-сотиш ташкилотларини пухта хатловдан ўтказиш ва улар фаолиятининг ихтисосини ҳисобга олган ҳолда илоравий мансублиги ва мулкчилик шакллари белгилансин.

қайта ташкил этилётган акциядорлик компанияларида акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш, ушбу компанияларнинг қузғувчи кенашлари шахсий таркиби бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, улар фондлари микдорлари аниқланиши ва компанияларнинг уставлари белгиланган тартибда тасдиқланган таъминлашлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорига мувофиқ, ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларини етказиб бериш нефть базалари билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, нефтни қайта ишлайдиган заводлар томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган автосервис комплекс пунктлари тегишли равишда Тахياتош, Қарши, Мароканд, Термиз, Гулистон ва Урганч нефть базалари филиалларига айлантирилсин.

7. Қўйлағлар:
 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорининг 8-банди, қарорга 1, 2, 5, 6 ва 7-иловалар;
 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорининг 8-банди, қарорга 1, 2, 5, 6 ва 7-иловалар;
 Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорига мувофиқ, ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларини етказиб бериш

рига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2000 йил 19 июндаги 233-сон қарори;
 Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмидан янада такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 5 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳақида бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри,
 2003 йил 21 октябрь.

И. КАРИМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлмоғи лозим. Бунда маданият ва санъат соҳаларида гоявий-бадий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўринини эгаллаб олишига йўл қўймаслик муҳимдир.
 Мажлис иштирокчилари бутунги сийатимизнинг моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар жараёнини, янги жаҳият қуриш

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА САЊЪАТ

йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратишлар.

Эшлар тарбиясига бепарволик, мафқуравий курашдаги доқайдилик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия — бу ҳаёт-мамот масаласи эканини одамларга, кен жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни огоҳ этиш зарур. Зеро миллий истиқлол гоёси нондек азиз ва муқаддасдир. Мажлисда замонавий қаҳрамон образини яратиб маърифий-мафқуравий ишоним муҳим бир қисми экани яна бир бор таъкидланди.

Ошқора баҳс-мунозара рўида ўтган мажлисда юртимизда миллий истиқлол гоёсининг асосий тушунча ва тамойилларини тарғиб

этишда баъзан ҳужақўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани танқид қилинди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, миллий истиқлол гоёсини обрўсизлантирмаслик, уни юксак маърифат, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб этиш санъаткор ва зиёлиларимизнинг асосий бурчи экани қайд этилди.
 Мажлисда сўзга чиққан маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, «Ўзбектеатр»

роқ этганларнинг ҳар бешидан бири учун /20,5 фоизи/ оиланинг моддий фаровонлиги муҳим омил ҳисобланади.
 «Оилада фарзандларнинг маънавий-маърифий тарбияси нималарда намойён бўлиши керак?» деган саволга юрдошларимизнинг кўпчилиги /56,8 фоизи/ биринчи ўринда катталарга ҳурмат, деб жавоб берди. Бирок 1999 йилда сўзга қаратганда, фарзандларнинг камтар ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш керак деганларнинг сони ортган /31,8 фоизи/. «Бундай тарбия билан ким шуғуллашиши керак?» деган саволга сўралганларнинг 72,1 фоизи ота-она билан биргаликда шуғуллашиши лозим, деган фикрни билдириди. Шуниси эътиборлики, оилада асосий тарбияларчи она деб ҳисоблайдиганлари сони анча камайди /2000 йилда бу кўрсаткич 10,2 фоиз бўлган бўлса, бу йил 8,9 фоизи ташкил этди/. Бу борада отанинг /7,8 фоизи, 10,9 фоизи/ ҳамда бува ва буваларнинг роли оиди /8 фоиздан 12,1 фоизга/.

«Маънавий соғлом ва баркамол фарзандлар қандай оилаларда тарбияланиши мумкин?» деган савол сўралганларнинг кўпчилиги /49,8 фоизи/ ота ва она билгаликда бошқараётган оилада, 25,4 фоизи бир-бирини тушунадиган ҳамда яқинлиқ устун оилаларда, деб жавоб берди. Бу эса фарзанди ота ва она бирга тарбия қилиши зарурлигини дарак беради. Суровда иштирок этган ҳар етти кишининг бири тарбияда отанинг /15,3 фоизи/, 4 фоизи буви ва буваининг роли муҳимлигини қайд этиди.

Олинган маълумотлар ўсиб келаётган ёш авлодини тарбиялашда маънавий-маърифий омиларнинг ҳиссасини ортириш лозимлигини қайд этиди.
 «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

**Н. УСМОНОВА,
 ЎзА мухбири.**

КОНТРАБАНДАГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси хайитининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг шу йил тўққиз ойи давомидagi фаолияти яқунлари ва божхона органлари олдига турган долзарб вазифалар муҳомада этилди.
 Қўмита раиси Б.Парпиев бошқарган ушбу йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида божхона органлари томонидан мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда чегараларимиз орқали олиб ўтилишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Туловларни тулик ундириш ҳамда контрабандага қарши курашишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қўрилган чора-тадбирлар натижасида давлат бюджетига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп — 214,5 миллиард сўм маблағ ундирилди.
 Йиғилишда Президентининг шу йил 23 сентябрдаги пахта хомашёсини нестобуд қилмасдан йиғиб олиш, талон-торож этилишига йўл қўймаслик, айниқса, унинг республика ташқарисига ноқонуний йўллар билан чиқиб кетмаслигини таъминлашга қаратилган Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил ҳосили пахта хомашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бўғини қунида божхона органлари олдига турган энг долзарб вазифалардан эканига эътибор қаратилди.

**Бехўд НОРБОВ,
 ЎзА мухбири.**

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Япониянинг «Коку» музыка гуруҳи концертлари бўлиб ўтди. Бу билан мазкур ансамбль иштирокчилари Ўзбекистонда ташкил этилган Япония маданият кунларининг навбатдаги иккинчи босқичини бошлаб беришди.

Маданият кунларининг биринчи босқичида япон фильмлари намойиш қилинган эди. Пойтахтдаги Киночиқар уйда ўзбек томошасини бешта бадий ҳамма олтига ҳужжатли ва мультимедийа қилинган фильмга баҳо берди. Улар орасида, айниқса, халқимизга яқин ижтимоий масалалар кўтарилган «Уғиллар», «Қумдан ясалган қаср», «Қумдан қалъа» каби бадиий фильмлар алоҳида ажралиб турди.
 Кино ахборотта бош коммуникатсия воситаларидан ҳисобланган, зеро у орқали бир дақиқа давомида халқ ҳаётининг турли жиҳатларини ёритиб бериш мумкин, дейди Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Акио Кавато. — Тошкентда кўрсатилган фильмлар ўтган аспрининг 70-90-йилларида суратга олинган, лекин шунга қарамаддан улар Ўзбекистонда қандай таассурот уйғотганини ва томошабинларга деярли тўла залда ўтган

лиги бизга мамнуният ҳиссини бағишлади.
 «Коку» гуруҳига қайтар эканмиз, мазкур жамоа иштирокчилари фақат айнавий япон музыка асосларини сўқатиб(бамбуқдан ясалган флейта) ва кото(горизонтал арфа)да кўй ижро этишлари яна айбик ўй жоз. Лекин қизини шундаки, ўзига хос мусиқий услублар ҳамма рок, жаз ва Фарб мумтоз музыка сунган ҳолда «Коку» ўз ижодида япон халқ мусиқаси чегараларидан чиқиб кетди. Бу эса гуруҳ концерт дастурларининг боийишига, уларга нисбатан қизиқиш ортишига хизмат қилди. Бутун ансамбль томонидан айнавий халқ мусиқаси билан бир қатар «Пинк флейд», «Битлз» каби машҳур поп гуруҳларининг асарлари ҳам маҳорат билан ижро этилмоқда. «Коку» мусиқчилари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бўлишган, шу боис Ўзбекистон ва унинг халқи тўғрисидаги таассуротлари билан тўлқинланиб ўртоқ-

**ЎзА мухбири
 Воҳид ЛУҚМОН
 суҳбатдоши.**

ОИЛА ВА МАЪНАВИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рифий омилар ҳақиқатини кучайтириш лозимлигини даролат беради. Аввалгидек, Ўзбекистонликлар учун фарзандларни тарбиялашда отанининг гапига қулоқ солиш, меҳнатсеварлик, ўқиб, ҳаққ-ўйлик ва одоб муҳим саналади.
 Оила муаммолари, унинг моддий фаровонлиги ўсилиш ҳар доим давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлган. Бу борада таълим олишга катта аҳамият берилмоқда. Чунки, БМТнинг Болалар жағмармаси /ЮНИСЕФ/ буюртмасига кўра ўтказилган 2003 йилги сопиологик мониторинг маълумотларида кўра, Ўзбекистонда мактабда ҳамда касб-ҳунар ва техник таълим олиш учун Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг кўп маблағ сарфланмоқда. «Ижтимоий фикр» маркази ўтказган сўров шунини кўрсатдики, ватандошларимизнинг кўпчилиги йиғит ва қизлар олий маълумотга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди /91,1 ва 81,2 фоизи/.

Мустақкам, маънавий соғлом оила кўпчилик ҳаётларимиз учун тўлақонли турмушининг барқарор шартларини яратди. Оила ичдаги муҳит эса инсоннинг шах сифатидаги хислатларини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатади ва унинг ижтимоийлашиш жараёнида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, фарзанд оила азолари ўртасидаги ўзаро муносабатлари ўзлаштирадиган бу келажакда унинг ўз оиласини қуришига таъсир кўрсатади.
 Эр-хотинлар ажралишининг қамайиши Ўзбекистонда замонавий оила аҳволининг муҳим кўрсаткичи саналади. ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинг маълумотларига қараганда, республикада кейинги 12 йил

ишда эр-хотинлар ажралиши бир ярим баравар қамайди ва 100 ниходан 9,2 ҳолатни ташкил этади. Масалан, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларга нисбатан бу кўрсаткич бир неча марта кам. Ушбу ҳолат фуқароларимизнинг ажралишига салбий муносабат /сўралганларнинг 94,8 фоизи/ экани билан ҳам боғлиқ. Ўтказилган сўров шунини кўрсатдики, ажралишдан нисбатан бўлиб қолгани, бу уларнинг руҳиятига, билим олиши ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, ажралишнинг Ўзбек халқи анъанавий-ахлоқий асосига мос келмаслиги ҳисобланади.
 Социологик тадқиқот давомида мамлакатимиз фуқароларининг маънавий-маърифий тикланиш борасида олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланди. Кўпчилик Ўзбекистонликлар ҳукуматининг бу йўналишдаги чора-тадбирларини қўллаб-қувватлайди. Маънавий қадриятларнинг моддий қадриятлардан устунлиги жаҳонимиз маънавий соғлом бўлиб, барқарор ахлоқий-маънавий қадриятларга эга эканидан даролат беради. Бундан олинган жаҳонимиз асосий бўғини ва ижтимоий маънавий-маърифий фазилатларини ўзлаштиришда ижтимоий тузилманинг таркибий қисми сифатидаги роли устувор аҳамиятга эга.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
**А. ИВАНОВА тайёрлади,
 ЎзА мухбири.**

Сифат — бош мезон



Фурқат туманидаги «Ишон» ишлаб чиқариш корхонасида сифат бош мезон ҳисобланади. Бир йилда 5000 тонна иш-калага ишлаб чиқаришда ихтисослашган ушбу корхонанинг республика ҳиссасида эмас, хорижда ҳам нуфузи баланд. Қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётган ушбу жамоада ишчиларнинг меҳнат қилиши ва даро олишлари учун барча шартларни муҳайё этилган. «Ишон»да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми Америка, Туркия, Украина, Россия синаери бир қатор давлатларга экспорт қилинаётир. Корхонанинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳсулотларига хорижий ишбилармонларни қизиқтириши юқори.
**СУРАТДА: илгор ишчи Зебо Ғаниева.
 Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

—Шоазим Шоазимович, хабарингиз бор, шу йилнинг 22 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

—Юрбошимиз ҳамиша дин соҳасида алоҳида эътибор бериб келмоқда. «Видон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун 1991 йилда қабул қилинган эди. Ушбу тарихий ҳужжат диндорларга жуда катта имкониятлар, эркинлик ва шарт-шароитлар яратиб берди. Минглар юрдошларимиз ҳам ва умра зиёратларига муяссар бўлди. Ўтган ўн икки йил мобайнида кўплаб буюк бобокалонларимиз — ислом оламидининг улуғ алломалари таваллуд топан кунлар кенг миқёсда нишонланди. Уларнинг табарруқ қадимлари ободонлаштирилди, бебаҳо мерослари ўрганилиб, тарғиб этилмоқда. Совет тузуми пайтида қароқчи қолган диний обидалар Ўзбекистон Муслмонлари идораси ихтиёрига қайтарилди. Дунё муслмонлари учун энг табарруқ қадим-қадимлардан бири бўлган Имом Бухорий ёлғорлик мажмуининг янгидан бунёд этилиши, Баҳовулдин Нақшбанд, Абу Мансур Мотрудий, Бурхонидин Марғоний каби юрдошларимизнинг таваллуд тўйларини кенг нишонла-ниб, зиёратгоҳларни қайта тикланиши фикримизнинг далолидир.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори Юрбошимиз бу борада қилаётган гамҳўрликларининг яна бир ифодасидир. Мазкур қарор дин соҳасига қаратилган юксак эътибор намунасидаир. Шу ҳужжатнинг талабларига мувофиқ диний муассасаларга бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Диний ташкилотлар шу пайтгача коммунал хизматлар учун ишлаб чиқариш корхоналари билан тенг микдорда ҳақ тўлаб келарди. Эндиликда улар бу борада аҳоли билан бир хил имтиёзларга эга бўлди. Бундан тежалланган ва мамлакатимиздаги бир қатор зиёратгоҳлардан тушадиган маблағ Республика Муслмонлар идораси ҳузуридаги махсус жағмарга ҳисобига ўтказилди. Ушбу

жағмарнинг асосий вазифаси буюк аждоларимизнинг илмий меросини ўрганиш ва улардан аҳолини, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш, шу билан бир қаторда диний таълим тизимини замон талабларига мослаштиришдан иборатдир. Юрбошимиз томонидан қўйилган муҳим вазифалардан бири ҳам диний таълим муассасаларидаги шарт-шароит, имконият даражасини замонавий таълим стандартлари билан тенглаштиришлар.

— Мазкур қарор асосида диний таълим тизимида жонивий этилиши белгиланган янгиликлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Ушбу қарорда белгиланган имтиёзлардан бири шуки, диний таълим муассасалари битирувчиларига берилган шаҳадатномалар давлат ўқув муассасалари дипломи билан тенглаштирилди. Энди ушбу даргоҳларнинг битирганлар олий ўқув юрдошларида ўқиниш давом эттиришлари ёки давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда ишлаши мумкин. Айни пайтда Муслмонлар идораси ҳузурида ўн мадраса ва Тошкент Олий ислом институтини ишлаб турибди. Мадрасаларимизнинг аксарияти тарихий биноларда жойлашган бўлса-да, уларгаги шарт-шароит бугунги талабларга тўла жавоб беради.
 Сўнгги йилларда мамлакатимизда диний таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Мадрасаларимизда динга оид фанлар билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилмоқда.

Ушбу қарор мударрисларимиздан алоҳида малага ва маҳорат талаб қилиш тайин. Чунки уларнинг мақоми олий ўқув юрдошлари ўқитувчилариники билан тенглаштирилди. Хукумат қарорига мувофиқ мударрислар меҳнати улар бажараётган ишларига қараб тақдирланган. Талабаларнинг ҳам етпендицларининг ошириш, ўқиб шароитларини янада яхшилаш белгиланган. Шунингдек, кераклик дарсликлар, компьютерлар таъминоти ҳам ҳол қилиниши зарур бўлган масалалар сирасига кирди.

— Шоазим Шоазимович, диний таълим муассасаларида дунёвий фанлар ўқитилаётган экан, дунёвий таълим муассасаларида-чи, диний билимлар берилмайдими?
 — Бу масалага ҳам жид-

дий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда қатор мактаблар, академик лицей ва касбунар коллежларида, олий таълим даргоҳларида диншунослик фани тажриба сифатида ўқитилмоқда. Мазкур фан бўйича яратилган янги дарсликлар синаб кўрилмоқда. Диншунослик фани ўта нозик соҳалардан бири бўлиб, эҳтиёткорликни талаб қилади.
 — Маълумки, мустақиллик бизга асрий анъаналаримиз қатори муқаддас динимиз, бой ва бетакор миллий қадриятларимизни тиклаш имконини берди. Айни пайтда дин ва диндорларга жуда катта эркинлик ва имкониятлар яратилди. Ана шундай бир шароитда баъзиларнинг ҳамон турли диний оқимлар домига тўла қолаётгани қандай изохлаш мумкин?
 — Сир эмаски, собиқ шўролар империяси катта мафқуравий асос устига қурилган эди. Одам болалар боғчасидан бошлаб коммунистик дахрийлик руҳида тарбияланарди. Империя парчаланган, гоявий бўшлиқ юзатга келди. Уша йилларда кўплаб хорижий даъватчилар пайдо бўлди. Улар халқимизнинг меҳмондўстлигини суиистеъмол қилди. Масжиду минбарларни эгаллаб, бизга бутунлай ёт гоғларни олиб киришга ҳаракат қила бошладилар.

Душман ҳар доим рақибининг заиф жойини пойлайди. Диннинг асл моҳиятини яхши билмаслигимиз бизнинг заиф жойимиз эди. Жоҳид одам — энг хавфли курул. Буни вақтида англаб етган Юрбошимиз гоғлар қарши гоғ, жаҳолатга қарши маърифат билан курашини, гоявий бўшлиқнинг миллий истиқлол гоғси билан тўлдир-иш зарурлигини кўрсатди. Таассуфки, уша пайтлари сочилган розолат уруғлари бир мунча кўкариб улгурди. Айрим ёшларимиз ана шу оқимлар домига тушиб қолди. Хукуматимизнинг оқилона сиёсати туғайди дунёвий ва диний саводхонликка эътибор берилади, динимизнинг инсонпарварлик жиҳатлари тарғиб этилди. Бу тез орада ўз самарасини бера бошлади.

— Албатта, ислом дини ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қилинаётгани, ақлпарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашил-лаётгани ўз самарасини бермоқда. Залолат кўчасига кириб қолган кўлаб юрдош-

ларимиз ўз хатоларини тушуниб етмоқдалар.Бирок бу ўзгаришлар тўла хотиржамликка берилиш учун асос бўлмайди, шундай эмасми?
 — Гоғвий масалаларда ҳеч қачон хотиржамликка берилма-лик керак. Юрбошимиз янги аср гоғлар кураши асри эканини, мафқура полигонни ядро полигондан хавфлироқлигини бот-бот такрорлайдилар. Жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишини фақат маърифат билан енгиш мумкин. Ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун етарлича имконият яратмоқ лозим. Акс ҳолда улар турли номақбул йўллارга кириб кетишлари мумкин. Уларнинг онги ва шуурини бегона тушуначалар таъсиридан ҳимоя қилиш даркор. Ахборот алмашуви ўта такомиллашган бир пайтда дунёнинг наринги чеккасида содир бўлган воқеалардан бир зумда воқиф бўлмас-да, баъзан ўз маҳалламизда нима бўлаётганидан беҳабар қоламиз. Бунинг натижаси эса аён.

— Ёшларимизнинг маънавий-маърифий онгини юксалтириш, Имом Бухорий, Марғоний, Мотрудий, Нақшбанд, Ат-Термизий каби алломаларимиз асарларида илгари сурилган умуминсоний гоғларини уларнинг шу-урига чуқурроқ синдириш учун яна қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ўйлайсиз?
 — Уламолар эътироф этишадикки, ислом дини Маккада вуждга келган бўлса-да, уни Моварауннаҳр алломалари мукамал илм даражасига кўтарганлар. Утмишда ҳам, ҳозир ҳам бу улғ мутафаккирлар мероси энг муътабар манба сифатида ўрганилади. Жумладан, Имом Бухорийнинг «Саҳихи Бухорий» тўплами Куръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба саналади. Бу тўпламда пайғамбаримизнинг энг ишонарли ҳадислари жамланган. Уларнинг ҳеч бирида қон тўкиши, халқ оёсиш-талғинга раҳна солиш каби тушуначалар йўқ. Аксича, ота-онага ҳурмат, бағрикенглик, инсонийлик, меҳр-шафқат каби олижаноб хислатлар илгари сурилган. Бинобарин, бу дароналарнинг ёшларимиз дунга синдириш жуда катта аҳамиятга эга. Исломин чуқур ва тўғри аниқланган одам ҳеч қачон жаҳолатга ботмайди. Дин фақат эзуликка, комилликка қорлаб келган ва шундай бўлиб қолади. Демак, диний-маърифий тарбиянинг такомиллаштириш, ёшларимизнинг тарихий ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳеч қачон фойдадан холи бўлмайди.

**ЎзА мухбири
 Воҳид ЛУҚМОН
 суҳбатдоши.**

Катта дарахтнинг сояси...



Наҳот бир-бирини тушуниб, келишиб ишлаш мумкин бўлмас?

Қурилган, ишлашга яроқсиз бўлган бино ўрнига ҳашаматли, замон талабларига жавоб берадиган маскан яратилди...

Мактубларни ўқиб

Эл таниган шоир Пулат Мўмин айтиди: "Газета тахририятларида кўп бўлган. Мухаррирлар олдида қирман. Уларнинг айримлари эшикдан кириб боришнинг билан дарҳол ўрнидан туриб, ним табасум билан қаршингизга пешвоз чиқшади...

Дарҳақиқат, ўзини ҳурмат қилган раҳбар ўзгаларнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлади, ўзгалар меҳрини, ишончини қозонади. Кўл остидагилар дари-нин ҳам, қувончини ҳам ўзиникидек қабул қилади...

Кейинги пайтларда тахририятимизга келаётган хатларни назардан ўтказар эканмиз, одамларда бир-бирига нисбатан олдиқ меҳр-оқибат, бир-бирини тушуниш, англаш етишмаётганда туюлади. Шунинг оқибатида диалоглик ва ҳатто беҳурмат қилиш ҳоллари учрайди...

Илҳом

Насихат

Эндигина турмушга чиқайтган қизга ҳолиси шундай маслаҳат берди: "Қизим, асар менинг насихатимга қулоқ тутсанг, биринчи кундан оқ эрининг тизгинини қўлигизга ол. Бордию сунгли қилсанг — тамом, бу эраклар дарвор узаридан кетиб қоладилар..."

Бахтиёр ЖУМА, Самарқанд тумани. Умидо ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Элдан ўтади. Гап шундаки, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон вилоятларидан келаётган хатларнинг кўпчилигида туман ҳокимлари, жойлардаги турли ташкилотлар раҳбарларининг, ҳуқуқ, прокуратура, суд органларининг фуқаролар арига қулоқ тутмаслиги, улар дардида малҳам бўлиш ўрнига, шикоят, аризаларга белгисизлик билан қараб, "Отангга бор, онангга бор" қабилида иш тутаятганлари баён этилади...

Хаёт деб аталмиш йўлнинг сўқмоқлари кўп ва узун. Уни ҳақиқий инсонларга хос босиб ўтиш осон эмас. Ота-она каби устозларнинг ҳам берган ўғитлари, таълим-тарбияси



шогирдлар учун фарз. Тolib акани элик йилдан бери билардим. Биз Тошкент вилоятининг "Келес"

нинг қўлида ўқиди. Меҳнатлари қадрланиб, бир неча бор ҳукумат мукофотлари ва сазовор бўлган. Устоз ҳам ҳар доим ҳурмат эътиборда эди. Қўлидан келган яхшилиқни ҳеч ким-

Таълимга Бахшида умр

бутун хаёт йўлимизни машғала мисол ёритиб туради. Бу машғаланинг тафтини, нурини ҳеч қачон унутиб бўлмади. Мен бутун умрини ана шундай эзу иши бахшида этган ўқитувчилардан бири ҳақида сўз юритмоқчиман. Бу устоз Тolib ака Орипов бўлади. Гарчи у киши яқинда 103 ёшида оламдан юборилган шикоят, аризаларнинг неча минглаб ёши авлодини тарбиялаш йўлидаги ишларини ёд этмоқ биз,

хўжалигидаги 110-мактабда бирига ишлаганмиз. У кишининг бу машғалани касбини танлаганининг сабаби ўстоз болаларни севарди. Ҳар бир ўқувчисига ўз фарзандилек қарар, уларга илм ўргатишдан олам-олам зафқ оларди. Тolib ака 1924 йилдан бошлаб республикамизнинг турли чеккаларида, ҳусусан, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги кўплаб мактабларда ишлади. Неча минглаб болалар у киши-

дан, ҳеч қачон аямасди. Ҳозир мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган кўплаб шогирдлари борки, бунда Тolib ака Ориповнинг хизматлари беқисс. Эндиликда устознинг болаларга таълим беришдек шарафли ишини фарзандлари, шогирдлари давом эттиромоқда. Зеро, эзгулик уруғи мангу қўқаргай.

Павел СИЛИН, ўқитувчи.



Кимнинг суратини чизсам экан?

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ олган сурат-лаҳза.

Фахр

Келажак ўзимизга боғлуқ

Кечагина эди янги ўқув йилини бир олам оғузлар билан кутиб олгандик. Кўз очиб юмгунча чорак якунланган. Энди эса, назаримда, ўқиб даврининг сунгги йилларида ушаладиган эзу ниятлар мени кутиб тургандай тўе.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига қўра, академик лицейлар, касб-хўнаҳар коллежларининг деб этилиши биз, ўқувчи-ёшларга кўп имкониятлар яратди. Бу таълим муассасаларида ёшлар давлат стандартлари бўйича чуқур билим олиши, бой маълумотларга эга бўлиши мумкин. Лекин бундай дароҳларда ўқинишни ўзи бўлмади. Бунинг учун, энг аввало, эркин фикрлай олишимиз, ўз устимизда кўп ишлашимиз керак. Чунки илмнинг келажак сари олга интилиш айна мақсад сари қўйилган илк қадам. Мана, мен ана шундай ўқув муассасасида ўқияман. Насиб этса олий мактабга қадам қўйиш арафасидаман.

Гоҳда осмонга тикилиб ўйлаб қоламан. Юртимиз тинч, осмонимиз мусофиро. Биз, ёшларга бундан ортқ яна нима керак. Фақатгина ўзимиз устимизда кўпроқ ишлашимиз, келажакда мустақил дийримиз байроғини баланд тутадиган қонин инсон, етук кадр бўлиб етишимиз лозим. Шундагина биз ўз мақсадларига эришган ва эзу ниятлари амалга ошган, дунёдаги энг бахтли инсон бўламиз, деб умид қиламан.

Ирода НИГМАТОВА, ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейнинг 3-босқич талабаси.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

Палта - мамлакатимиз бойлиги, халқимиз ифтихори. Унинг йиғиштириб олинишида ҳар йили маҳалла, ташкилот, идоралардан ҳаширчилар жалб қилинади. Шулар қаторида менинг ўғлим ҳам ўтган йилги теримда фаол иштирок этганиди. У 14610 сўмлик палта териб, аввало атиги 3860 сўм ҳақ олди. Кейинроқ, ҳақини талаб қиларвагач, 3170 сўмини ҳисобга олганда, қолганини беришмади.

Ахир палта теримда рўйхат, таъбел деган нарсалар бўлади. Ҳақ беришда ҳужжатга имзо чекилади. Аммо бизда бундай қоидалар деярли йўқ. Мен бу ҳусусда бир неча ташкилотларга мурожаат қилдим, бироқ фойдаси бўлмади. Бу масалада қонун назоратчилари қачон ҳарақатга тушишаркин?

Хатлар сузланди

Биз ҳар йили палта йиғим-теримига сафарбар қилинаемиз. "Миллий бойлигимизни ёгин-соғинга қолдирмай териб олишга ўз ҳиссамизни қўйилмаз-да", деб далага чиқамиз. Лекин қийналиб меҳнат қилганимизга яраша ҳақини ололмаемиз. Сўрасак, ана берамиз, мана берамиз, деб қуруқ вадалар қилишади. Биргина мисол: ўтган йили маҳалла раиси

Даврон ЭШОНКУЛОВ, Қашқадарё вилояти, Бешкент шаҳри.

Пахтанинг ҳақини ким беради?

Халқимизда "Узумини енг, боғини сўраманг", деган ибора бор. Шу иборани ўзгартириб, "Пахтани теринг, ҳақини сўраманг", десак, туманимиздаги айрим ширкат раҳбарлари ва фермерлар тилагини айтган бўламиз. Чунки улар пахтани тердириб, сўнг ҳақини бермаслик касалига чалинишган. Ахир деҳқоннинг меҳнати эвазига қайсидаир нопонинг чўнғата қапайиши инсофдан эмас-ку. Мана, янги мавсум ҳам бошлади. Меҳнат қилиб олган ҳақини яхши қилуларига яратишни хаёл қилаётган деҳқоннинг руҳини тушириш яхши бўлмас керак. Қолаверса, омонатга хиёнат - туноқ азим ахир.

Саодат ЯЛГАШЕВА ва бошқалар, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, "Дилором" маҳалласи.

Абдулло ИКРОМОВ, Сурхондарё вилояти, Музработ тумани.



Фотоаппома



Ҳўжасизлик қурбонлари

Учқўприк туманидаги Отажонов, Риштон туманидаги Иброҳим Ҳасанов номли ширкат ҳўжалиги даласида «ястаниб» турган ушбу техника «воситаларини (суратларда) қўриб, «Кенжаботир» эртаги воқеалари ёдингизга тушгандир. Кенжа ботирнинг аргумогини ялмоғиз ўз домига тортан бўлса, халқимизнинг ҳилол меҳнати эвазига келтирилган ушбу техника воситалари айрим мутасадди раҳбарларнинг лоқайдлиги сабабли яроқсиз ҳолга келиб қолган. Наҳотки, бу ҳолдан ҳўжалик раҳбарлари, ёхуд техника учун мутасадди ташкилот машина-трактор парклари ҳодимлари беҳабар бўлишса?

Бу ҳолини қандай баҳолаш мумкин: лоқайдликми, ҳўжасизликми ёки масъулиятсизликми?

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Бир суюнтиради...

Байрам тўхфаси

Бир неча бор ёзган шикоят хатларимиз инобатта олинди, «Халқ сўзи» газетаси кўмагида бидан ортқ хонадон табиий газ билан таъминланди. Шунча хонадон оғири енгил бўлди. Бундай қулайликка нима етсин. Бу бизга байрам тўхфаси бўлди. Муаммоларимиз ҳал этилишида ёрдам берган Наманган яққа тартибда уй-жой қуриш бошқармасидаги ўз касбининг фидойиларидан беҳад миннатдорим.

Янгиер маҳалласи аҳолиси номидан Муҳиддин ТУРҒУНОВ, Наманган вилояти, Уйчи тумани.

Бир куйиштиради...

Имкон бору...

Биз, Андижон вилоятининг Эскиқўрғон қишлоғида яшаймиз. Муаммо шундаки, атрофимиздаги қишлоқлар аллақачон газлантирилган. Бизда эса бу ишга ҳамон панжа орасидан қараб келимоқда. Натигада кетма-кет муаммолар туғилган. Масалан: кўнингнинг нархи осмонда, шу бонсе тут дарахтларини кесиб, ёқинга мажбур бўламиз. Устига-устак электрда мунтазам узилдиларнинг бўлиб туриши қишлоқ аҳлини, айниқса, биз, аёлларни жуда қийнаб юборди. Ахир қиш қилинган яланғочлаб келишга ҳам оз қолди-ку.

Кўп сонли аёллар номидан Шаҳриниса ФАҲРИДДИНОВА, Пахтаобод тумани, Эскиқўрғон қишлоғи.

Афсус Олдингдан оққан сувнинг қадрини ўқма?

1985 йил баҳоринда туманимиздаги Қўшоғоч қишлоғида маъданли сув топилиши. Мутасаддилар ер тағдидан отилиб чиқадган шифобахш сув асаб, тери, ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфаси ва буйрак касаллиқларида даво бўлишини эътироф этишганди. Шундан кейин шифо излаган дардманлар қишлоққа кела бошлади. Лекин уларнинг жойлаштириш муаммоси эди. Шифокорлар бу жойда санаторий ташкил этиш мақсадига тўғри, вилоят раҳбарларига мурожаат қилинди. Елиб-

югуринлар натижасида 50 кишига мўлжалланган, барча қулайликларга эга замонавий дам олиш маскани қурилади бошланди. Мана, орадан ўн йилдан ортқ вақт ўтган бўлса ҳам бино битмайпти. Ахир шундай жойларда тезроқ шарт-шароит яратилса, дардманда кишилар овоз-у сарсон бўлиб узоқларга бориб юрмасди-ку?..

А. ҚАРШИЕВ, Қўшрабод тумани.

Божхоначи бўлмақчимисиз?

Хурматли тахририят! Республикада янги ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институтини қаерда жойлашган? Унинг манзилини билмоқчи эдик.

Тўлқин ҲАКИМОВ, Қарши шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Вазиран Раҳимовнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун қарлар тайёрлаш тизмининг тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу йил Давлат божхона қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясининг "Божхона иши" факультети ва Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежи негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини ташкил этилган эди. Институт манзили қуйидагича: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробот II-тор кўча. Тел: 144-96-43, 133-29-28. Факс: 133-24-57.

Ичкилик — умр заволи



Ҳар кун ишга кета туриб, озиқ-овқат дўконини ёнидан ўтарканман. 3-4 кишини учратаман. Уларнинг кўзлари киртайган, афтлари бўжмайган, қовоқ остилари салқинган. Бош оғригини тузатиш илжинида тупланган бу ичкиликбозлар орасида афсуски, эндигина мўйлови сабза ура бошлаганлар ҳам бор. Ўттиз йилдаки, бу тўда кўпайиб, қамайиб турди, лекин ҳеч қачон тугаб битмади. Шу тўданнинг 58 ёшли сарвори бир вақтлар нортуғ, кент қаблати, келишган, сўзсиз эди. Ҳозир эса, қуриган чўшади орик, пешонасини ажин босган, гавдаси шаллираб қолган. Эрталабки нонушта ўрнига юз грамм ичиб олса бўлгани, бахти ҳам, тахти ҳам

Бахтиёр ЖУМА, Самарқанд тумани. Умидо ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ришда винонинг ярмини сипқорди. Яйраб, тамшанди. — Сенлар тилла одамсанлар, яхшиликни сизлардан қўрирман. Ҳеч қачон сазамни ўлармансанлар. Эътибор беринг-а, кимки унинг бош оғригини тузатса — ичкилик олиб бера, уша тилла одам. Ҳатто «эрмайланган» ягона ўғли ҳам у учун бир тийин. Мана, сизга одамгарчилик, мана сизга оқибат. Эндиги қалтироғи босилган қўллар эгасига қарайману, мана шу аҳволда дўкон олдида турган ўнлаб ёшларнинг ўз умирига завол бўлиб, бу дунёни тарк этганини ўйлаб, юрагимнинг бир чеккаси увишади. Улар орасида ҳатто уйланмаган — фарзанд меҳрини тотма-

Абдуноб МАННОПОВ.

«Мулоқот» — комиллик даъваткори

Халқ тарихи, анъана ва урф-одатлари, азалӣ маданиятнинг туб илдизлари ҳисобланади. Бу илдизлар қанчалик теран, бақувват бўлса, ўша халқ ҳам шу қадар эъзоли ва буюк бўлади.

«Мулоқот» журнали мустақиллигимиз эълон қилиниши арафасида чиқа бошлаган журнал бўлиб, илк сонлариданоқ халқимизнинг тарихи, унут бўла бошлаган анъаналарини тиклаш ва миллий ғоямизни таранум этиш каби юғат долзарб мавзуларда бир қатор мақолалар бера бошлади.

Мустақиллик — мамлакатимиз тараққиёти учун беқисс имкониятлар эшигини очиб берди. Бу имконият нафақат тарихимизни, балки халқимизнинг маънавий оламни, ўз миллий қиёфамизни ҳам тиклашга даъват этади. Шун-

дай бир пайтда халқимизнинг филолий зиёлилари тарихимизни қайта асл ҳолида ўрганишга, буюк боболаримиз ўнгилари, таълимотлари ва илму аъмолларини билиб олишга ошқидилар.

Мана шундай дамда «Мулоқот» энг яқин суҳбатдошга айланди, десак, муболага бўлмас. Журнал республика матбуот наشرлари орасида биринчилардан бўлиб Имом Бухорий, Амир Темур, Хожа Ахрор Валий сингари тарихимизда улкан из қолдирган, аммо ўша пайтгача маънавий мерослари нотўғри талқин этиб келинган боболаримиз тўғрисидаги ҳақиқатларни етказишга интилади.

Шунинг учун ҳам журнал саҳифаларидан доимий ўрин

олиб келадиган «Шарқ илми хазинасида», «Тарих ва тақдир», «Мозийта сафар», «Мазрифат булоғи», «Умри узун удумлар», «Шарқнинг буюк муҳаддислари», «Қадрият» сингари рункларнинг ўз муштарийлари, ихлосмандлари бор.

«Мулоқот» саҳифаларида шунингдек, Имом Термизий, Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳалиқ Гиждувоний, Нажмидин Кубро сингари тасаввуф илми донишмандлари меросларининг турли жиҳатлари таҳлил этилган илмий-оммабоп мақолалар эълон қилиб келинмоқда. Бундай мақолалар мактаб ўқувчисига ҳам, талабага ҳам, деҳқону зиёлига ҳам бирдай маънавий озуқа, билим беради.

Обуна — 2004

Чунки журнал бутунги кунимиз учун, миллий тараққиёт ва миллий ғоя учун зарур бўлган мавзуларда халқимиз билан мулоқот қилмоқда.

Журналнинг сийсий ҳаёт, ахлоқ-оодоб ва иқтисодиётимизнинг муҳим муаммолари тўғрисидаги мақолалари ҳам ўқувчилар учун ижтимоий фикрнинг энг сўнгги янгиликлари сифатида юғат қимматли, деб ўйлаймиз. Кейинги йилларда тахририят республика вилоятларидаги олим ва зиёлилар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўймоқда.

Янги йилда журнал ўз мавзулари доирасини янада кенгайтиришни режалаштирган. Хусусан, «Мустақиллик масъулияти», «Шах ва жамият», «Муносабат», «Фазилат», «Табиятга меҳр — инсонга меҳр», «Тарихга назар» рунклариде кўплаб илмий-оммабоп мақолалар тайёрланмоқда. «Мулоқот»га обуна бўлсангиз, бу мақолалар хонадонингизга тафаккур ва донишмандлик шуурини, комиллик ва аймон нурини олиб киражак.

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

«Агрокерамика» ЎЗБЕКИСТОН-ИТАЛИЯ ҚўШМА КОРХОНАСИ

керамик плиткаларни ишлаб чиқарувчи корхона

206x206мм. ва 310x310мм ҳажмидаги

КЕРАМИК ПЛИТКАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Махсулот Италиянинг замонавий технологияси асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, жаҳон стандартлари талабига тўлиқ жавоб беради.

Улғуржи хариддорларга махсулот арзонлаштирилган нархларда сотилади.

Биз сизларга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз.

Манзилимаиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор кўрғони, Зироат к., 7-уй. Телефон: 58-83-09.

Зиёратчи оқсоқоллар

Шахрихон туманидаги оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари ва ишлаб чиқариш илгорларидан бир гуруҳи мамлакатимизнинг тарихий жойларини зиёрат қилиб қайтишди. Улар бир ҳафта давомда Бухоро, Хива, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, тарихий ва замонавий меъморийлик обидаларини томоша қилишди. Эътиборли томони шундаки, сафар харажатларини ширкат ва фермер хўжаликларини, талбиркорлар кўтарди.

«Туркистон-пресс».

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қўйидаги объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиш бўйича танлов савдолари (тендер) эълон қилади:

- Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, Баландчақир кишлоғидаги 300/50 ўринли қасб-хунар коллежи.
- Ишларни тугаллаш муддати — йилдан-йилга ўтадиган объект. Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси. Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-31-59, 222-30-11.
- Жиззах вилояти, Зафаробод тумани, Беруний номида ширкат хўжалиғидаги ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш.
- Ишларни тугаллаш муддати — 2003 йил декабрь. Буюртмачи — Жиззах вилояти 7-сон қурилатган корхоналар бирлашган дирекцияси. Манзили: Жиззах шаҳри, Бешкувур кўчаси, 25-уй. Телефон: 226-05-84.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар қуйидаги малака талабларига жавоб беришлари керак: устас сармосаи микдори, объект қийматининг камида 20% микдоридеги бўш айланма маблағлар ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиғи, объекта ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари ҳамда ўз кучи билан ва ўқаш объектларни қуриш бўйича иш тажрибаси борлиғи, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатларига эғалиғи.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси Жиззах вилояти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан эълон чоп этилган кундан бошлаб соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўралади.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 69-уй, 312 ва 315-хоналар. Тел./факс: (8-371) 226-14-66, 226-05-42.

Тендер ҳужжатлари бир йўналишли нархи — 50000 сўл.

Оферталар юқоридеги манзил бўйича қабул қилинади. Оферталарни тақдим этишнинг энг охиригача муддати — тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш бўйича йиғилиши кун ва соатгача. Оферталар эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг соат 10.00да тендер комиссияси томонидан қуйидаги манзилда кўриб чиқилади: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй, вилоят ҳокимлиғининг кичик мажлислар зали.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.» халқаро лизинг компанияси

«ЭСКИМО» (ИТАЛИЯ) ТУРИДАГИ МУЗҚАЙМОҚ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛГАН МИНИ-ЗАВОДНИ (2002 ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН)

- MODELO 125 электр пастеризатори;
- MATEMATICKEL горизонтал фрезери;
- совутадиған, музлатадиған ва шакллантирадиған MODEL 125 машинаси;
- маҳсулотни этилтирадиған MODEL 125 камераси;
- VASCO COVER қийм сизими;
- IMB қадоқлаш машинаси.

Кўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (8 371) 139-16-54, 132-61-73, 132-62-94, 144-64-44, 144-64-46, факс: (8 371) 120-67-29 ёки қуйидаги манзилда олишингиз мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 700003, Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй, Халқаро банк ва молия маркази, 4-қават.

Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги ИТ технологияли TS-Technology® Р — Ўзбекистоннинг биринчи компьютерлари, улар замонавий технологик ускуналарда ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори сифат ва ишончликни тўғри келадиган нархларда таъминлайди.

Ходимларнинг меҳнат самарадорлигини камайтирмай, муҳим корпоратив маълумотларни химоялашни таъминланг.

Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги ИТ технологияли TS-Technology® Р компьютерларидан фойдаланинг, чунки улар офис иловалари ва хавфсизликни химоялаш иловалари унумдорлигини камайтirmасдан бир вақтнинг ўзида қайта ишлайди.

Таълим соҳасидаги ўқув муассасаларига имтиёзли нархлар. Корпоратив буюртмачилар учун техникани савдодан олдин тестдан ўтказиш.

Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520-1522-офислар: http://www.tsstech.uz. Корпоратив сотувлар: «Middle East Computers», Тошкент ш., тел.: (371) 120-77-78, 120-77-56, факс: (998-71) 120-77-78, e-mail: sales@tsstech.uz. Дистрибуторлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57, 157-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.

ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

ТУРАИ РАНГАДГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ИЛГОР АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛАДИ ТОМАЛАР ТЎЛИК КОМПЛЕКТАРИНИ ТОПТИРИШ

ТУРАИ РАНГАДГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ

ТУРАИ РАНГАДГИ ПАНЖАРАЛАР, СУВУЧИЛАР, ГАРОЙИБ ДАВРОЗАЛАР, ҚАНДИЛАР ВА БОШҚА ТУЗАЛ БУЮМЛАР.

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли қамайтирилган

Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, С. МИРАЛИМОВ, М. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари вазирифасни бажарувчи — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. ЎТБОСАРОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ, А. ХАЙДАРОВ, Ҷ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сийсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавий ва маърифат — 136-35-60; 133-52-55

Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55

Фан, соҳилқни саклаш, таълим ва туризм — 133-10-17

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08

Котибият — 133-10-28

Эълонлар — 136-09-25

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 967, 22656 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида тервалди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Б. ЭҒАМҚУЛОВ. Навбатчи — С. МУҚИМОВ. Муҳаррир — М. ЁҚУБОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.00. 1 2 3 4 5